



## ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> January 2023  
Accepted: 14<sup>th</sup> January 2023  
Online: 16<sup>th</sup> January 2023

## KEY WORDS

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ПЕНСИЯ ИСЛОХАТЛАРИ: МАСАЛАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

**Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович**

Юридик фанлар бўйича фалсафа

доктори (PhD), доцент,

E-mail: maxmud1970@rambler.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7539785>

## ABSTRACT

*Ушбу мақолада пенсия таъминоти ҳар бир давлатнинг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган функцияларидан бири ҳисобланиши, пенсия тушунчасига таъриф ва аҳамияти тўғрисида фикр юритилган.*

*Шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохатлар жумладан, пенсия соҳасидаги ўзгаришлар тўғрисида, биргина 2023 йилнинг январдан бошлаб пенсия миқдорларини ошириш тартиблари ҳамда таклифлар илгари сурилган.*

Инсон манфаатлари энг олий қадрият сифатида эъзозланаётган, инсон учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ва тўқис ҳаёт шароитларини барпо қилиш ўзининг олий мақсади эканини бутун жаҳонга эътироф қилаётган бизнинг юртимизда, жамият учун биринчи навбатда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга мухтож қатламларини ишончли ижтимоий таъминлаш воситаларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириб бориш учун курашиш табиий ҳолдир. Бунинг натижасида кучли ижтимоий муҳофазалаш сиёсатини реал таъминлай оладиган ҳуқуқий негиз ва зарур тизим юзага келтирилди, уни самарали ишлашини амалда таъминлаш, ижтимоий сиёсатни реал рўёбга чиқарилиши эзгу мақсадларимиздан саналади.

Давлат томонидан аҳолини муносиб ижтимоий таъминот билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Давлат пенсиялари, бу – фуқаронинг аввалги даврлардаги меҳнат ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга фойдали фаолиятини ҳисобга олингани ҳолда давлат молиявий жамғармалари ҳисобидан унга бутун умрга ёхуд меҳнат лаёқати тиклангунига қадар тирикчилик ўтказишнинг асосий манбаи сифатида текинга, қонунда назарда тутилган миқдордан кам бўлмагани ҳолда мунтазам амалга ошириладиган пул тўловларидан иборатдир.

Пенсия таъминотининг муҳим жиҳати шундан иборатки, фуқаролар ўз соғликларини йўқотганларида, боқувчи шахслардан ажралиб қолганда ва маълум бир стаж ва ёшга етганларида таъминланадиган пул тўлови ҳисобланади. Ушбу тўлов аксарият ҳолларда фуқароларга айнан ёрдамга мухтож даврларда яшаш манбаи сифатида хизмат қилади. Пенсия – асосан кексаликда ночорликдан ҳимоя қилиш, ногиронликда бировга (мухтож) қарам бўлиб қолишдан холи бўлиш, боқувчисидан ажралганда моддий таъминот билан таъминланиш имкониятларини беради.



Демак, пенсия таъминотини кенг қамровли тузилма - пенсия тизими деб ҳисоблаш мумкин деган нуқтаи назарни тақдим этиш мумкин. Пенсия тизими фуқароларга моддий ёрдам кўрсатишга қаратилган давлат томонидан яратилган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий институтлар ва нормалар йигиндисидан иборат. Кўриб чиқиладиган тизимнинг таркибий элементлари қуйидагилардан: молиялаштириш; бошқарув; пенсия турлари ва қонунийликдан иборатдир.

Пенсия таъминоти турли давлатларда турлича жорий қилинган бўлиб, аксарият давлатларда пенсиялар фуқароларнинг **минимал яшаш харидлари** учун давлат томонидан белгиланса, қолган қисмларини хусусий пенсия фондлари орқали уларнинг меҳнат стажларига қараб қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида ҳам пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган **тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган[1].**

Маълумки, Ўзбекистон тарихида илк бор камбағаллик масаласи 2020 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида кун тартибига олиб чиқилди ва мазкур мавзу ижтимоий, иқтисодий сиёсатнинг асосий устувор йўналишларидан бири эканлиги белгиланди.

Шунга асосан 2021 йилнинг июнидан республикамизда минимал истеъмол харажатларни ҳисоблаш тартиб қоидалари ишлаб чиқилди ва олиб борилган мониторинглар ҳамда ҳисоб-китобларга асосан қиймати 440 минг сўм ташкил этганлиги эълон қилинди ва ушбу қиймат босқичма – босқич қайта кўриб чиқилиши белгиланди. Бугунги кунга келиб минимал истеъмол харажатлари қиймати – ойига 498 минг сўм этиб белгиланган. Шуни ҳисобга олган ҳолда давлат пенсияларининг энг кам миқдори 498 минг сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Бунинг исботини қуйидагиларда ҳам кўриш мумкин. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасида фуқаронинг иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияни ҳисоблаб чиқариш тартиблари белгиланган. Агар фуқарода қонунда белгиланган талаб қилинадиган иш стаждан кам стаж бўлса, унга энг кам ёшга доир пенсиянинг 50 фоизи миқдоридан кам бўлмаган ҳолда ёшга доир пенсия тайинланади. Рақамларда кўриладиган бўлса, бугунги кунда ёшга доир энг кам пенсия миқдори 633 минг сўмни ва унинг 50 фоизи 316500 сўмни ташкил этади. Демак фуқаронинг иш стажи тўлиқ бўлмаса унга 316.5 минг пенсия тайинланиши мумкин.

Лекин минимал истемол харажатлари қиймати 458 сўм қилиб белгиланганлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-128-сон фармони билан иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда ойига 500 000 сўм қилиб белгиланди. Бу ҳам охириги йилларда мамлакатимизда олиб бориладиган туб ўзгаришлар, жумладан, пенсионерларнинг турмуш тарзини янада оширишга қаратилган манзилли ислохатлардан бири деб ҳисобласак муболаға бўлмайди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазифамиз бўлиб қолади. Келгуси йилда тадбиркорлик, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим”[2].

Ҳақиқатдан ҳам пенсия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар жуда муҳим ҳисобланиб, республика аҳолисининг қарийиб 12 фоизини ташкил этувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий ва моддий таъминотини таъминланиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги №60-сонли Фармонида 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорини 10 баравардан 12 бараваргача оширилиши кўрсатилган. Шунга асосан 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача иш ҳақи пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорини 10 баравардан кўп бўлса, ушбу фуқароларнинг пенсия миқдорлари қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Шунингдек, 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронларининг пенсия тайинланганидан кейинги камида 1 йиллик иш стажи ва иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳар 2 йилда бир маротаба тайинланган пенсия қайта ҳисобланади.

Худди шундай тартиб собиқ иттифоқнинг 1956 йилги давлат пенсиялари тўғрисидаги қонуннинг 13, 33, 34, 101, 125-моддаларида ҳам кўзда тутилган бўлиб, фақат у қонун билан пенсия тайинланганидан кейинги камида 1 йиллик иш стажи ва иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳар 2 йилда бир маротаба тайинланган пенсияларни қайта ҳисобланиши барча турдаги пенсия олувчилар учун ҳам аҳамиятли ҳисобланган.

Хулоса ўрнида 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлари агарда ногиронлик пенсиясига чиқиб меҳнат фаолиятларини давом эттирган бўлсалар пенсия миқдорлари қайта кўриб чиқилади ва пенсия миқдорлари амалдаги миқдорлардан кўп бўлса пенсия миқдори оширилади. Агарда иш стаж кўшиш фойдали бўлмаса пенсия миқдори ўзгаришсиз қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг **37-моддасида**. Иш стажига кўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари белгиланган. Ушбу моддада ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга кўшиб ҳисобланмаслиги кўрсатилган.

Маълумки фуқаролар томонидан пенсия тайинлангандан сўнг уларнинг меҳнат фаолиятидан тўланадиган пенсия ижтимоий солиқ ва бадаллари бўйича ҳеч қандай ҳисоб-китоблар назарда тутилмаган. Шунинг ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ёшга доир пенсияга чиқиб иш фаолиятини давом эттирган шахсларнинг пенсияларини ҳам қайта ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

## References:

1. <https://constitution.uz/uz/clause/index>



2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь. 271-272 (7229-7230).
3. Зиядуллаев, М. (2021). Право на социальное обеспечение в Узбекистане и радикальные реформы, проведенные в пенсионном секторе в 2017-2021 годах. Общество и инновации, 2(8/S), 121–127. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss8/S-pp121-127>
4. Зиядуллаев, М. (2021). Сильная социальная защита - требование времени. Общество и инновации, 2(5), 64–68. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss5-pp64-68>